

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

### СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

**Аякулов Нурбек Абдуғаппор ўғли**

*Гулистон давлат педагогика инстиути илмий ишлар  
инновациялар бўйича проректори*

**Аякулов Улуғбек Абдуғаффор ўғли**

*Гулистон давлат педагогика институти стажёр-ўқитувчиси*

**Таянч суз ва тушунчалар:** *мотив, дидактик уйинлар, уйин фаолияти, имитация, модель, уйин компонентлари, уйин йуналишлари, уйин турлари, уйин коидалари.*

Узбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-санли фармони асосида 2017-2021 йилларда Узбекистан Республикасини риважлантиришнинг бешта устувар йуналиши бўйича Царакатлар стратегияси дастури ишлаб чиқилди. Ушбу Царакатлар дастурининг 4.4-қисмида таълим ва фан соҳасини риважлантириш вазифалари қур-сатилган. Ушбу курсатма бизга умумий урта таълимни ташкил этишнинг замонавий ёндашувлар механизмларини шакллантириш имканини беради.

Умумий урта таълимда Давлат таълим стан-дартларининг юзага келиши мавжуд вазиятни мураккаблаштирди, чунки стандартнинг шарт-сиз бажарилишини кафолатлайдиган ва педагогик амалиётга жорий этиладиган технологиялар ишлаб чиқилмаган эди. Хар бир ўқувчи таълим стандарти даражасига эришиши учун ўқув юртлиридаги мавжуд анъанавий методи-калар урнига замонавий педагогик қуроллар зарур бўлди. Ўқув жараёни лойихасини технология даражасига чиқариш ва бу лойиханинг жорий этилиши ўқитувчини юқори малакали мутахассисга айлантириш билан биргаликда ўрганувчининг мавқеини ҳам кўчайтиради ва ижодий ҳамкорликнинг янги ўққларини очади.

Бошланғич таълимда мотивлар ҳосил қилишда дидактик ўйинларнинг урни бекиёс-дир. Ўйинсиз том маънодаги аклий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Ўйин ўқувчиларда билимга иштиёқ ва қизиқишни ўйғотадиган ўққундир. Ўйин - бошланғич синф ўқувчиларида маълум сифатларни шакллантиришда катталар - ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар томонидан қўлланиладиган усул. Ўйин воситасида ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш жараёни қўлайлашади, турли хил предметлар билан муносабатда бўлишга ўрганади, шўнинг-дек, уларда муомала маданияти шаклланади. Ўйин воситасида боланинг шахси шаклланади, унда қелгусида ўқув ва меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва инсонлар билан муносабатга қиришишга оид руҳий хўсўсиятлар шаклланади. Ўйин орқали болалар борлиқни ўрганади ва дўнённи ўзгартиришга ҳамаракат

килади. Шундай килиб, уйин инсон фаолияти-нинг шаклланишига асос солади. Уйинда инсон борликни акс эттириш кобилиятини намоён килади. Уйиннинг энг муҳим аҳамияти

шундаки, унда илк бор боланинг дунёга таъ-сир этиш эҳтиёжи пайдо булади ва шаклланади. Мактаб йилларида уйин шакллари янада кенгрок ривожланади. Укувчиларнинг уйин фаолияти жуда куп соҳа олимлари - файласуфлар, социологлар, биологлар, санъатшу-нослар, этнографлар, айникса, педагоглар ва психологларни кизиктиради. Психологияда бола психикасининг ривожланишида уйин ҳал килувчи аҳамиятга эга, деб каралади. Факат уйиндагина болада шахснинг ҳамма томон-лари бирликда ва узаро таъсирда шаклланади. Уйингина бола психикасида ривожланишнинг юқорирок босқичига утиш учун муҳим замин яратади. Дидактик уйин урганилаётган воқеа ва ҳрдисаларнинг имитацион модели ярати-лиши соҳасидаги муҳим фаолиятдир. Уйиннинг бошка фаолият турларидан муҳим фарқи шундаки, унинг предмети инсон фаолиятидир. Дидактик уйинда фаолиятнинг асосий тури ҳамкорликдаги укув фаолиятидир. Дидактик уйинларнинг бошка фаолият турларидан фаркланадиган муҳим белгилари унинг таркибий катъийлигидир. Дидактик уйинларнинг таркибий компонентлари куйидагилар:

1. Уйин мантиғи.
2. Уйиннинг харакати.
3. Уйин коидаси.

Уйин мантиғи асосан унинг сарлавҳасида акс этади.

Уйин харакати жараёнида укувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, укувчиларнинг уз кобилиятини намоён килиш, уйин макс-дига эришиш учун уз билими, куникма ва малакаларини куллашга имконият яратилади.

Уйин коидаси уйин жараёнини туғри ташкил этишга ёрдам беради. У укувчилар хулки, уларнинг узаро муносабатларини тартибга солади.

Дидактик уйинларда маълум бир натижага эришилади. Уйинда маълум бир дидактик максад куйилади ва бу максадга эришиш укувчиларда маънавий ва аклий коникиш хиссини шакллантиради. Дидактик уйинлар укутувчи учун укувчиларнинг билимларни узлаштириши ёки узлаштирилган билимларни амалиётга куллаши курсаткичи хисобланади.

Дидактик уйинларнинг барча таркибий компонентлари узаро боғлиқ булиб, улардан бирортасининг булмаслиги мумкин эмас.

Халк педагогикасида шаклланиб келган болаларни укутиш ва тарбиялашда дидактик уйинлардан кенг фойдаланиш анъаналари укутувчиларнинг амалий тажрибалари ва олимларнинг ишларида ривожлантирилди.

Чех педагоги Я.А.Коменский уйинни бола фаолиятининг асосий шакли эканлигини таъ-кидлаб, айнан уйин боланинг табиати ва кизи-кишларига мос келишини айтган эди<sup>1</sup>. Олим уйин боланинг аклий кобилятларини хар томонлама устириши, унинг теварак-атроф хақидаги тасавурларини

кенгайтириши, нуткини устиришини таъкидлайди. Шунингдек, боланинг тенгдошлари билан биргаликдаги уйини уни тенгдошларига якинлаштиради. Куйида дидактик уйин технологиялари амалга ошириладиган уйинларга тухталиб утамиз.

Ишчанлик уйини дарси — дарс мавзуси буйича масалаларни хал этиш жараёнида укувчиларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш оркали янги билимларни узлаштириш машки.

Ролли уйин дарси — дарс мавзуси буйича масалаларни урганишда укувчиларга олдин-дан маълум ролларни таксимлаш ва дарс жараёнида шу ролни бажаришларини ташкил этиш асосида билимларни мустахкамлаш дарси.

Театрлаштирилган дарс — дарс мавзуси билан боғлиқ сахна куринишлари ташкил этиш оркали дарс мавзуси буйича чуқур, аниқ маълумотлар бериш дарси.

Компьютер дарси — тегишли укув фани буйича дарс мавзусига доир компьютер мате-

1 Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш., ИлФОР педагогик технологиялар. - Т.: «Абу Али Ибн Сино», 2001. -188-б.

риаллари (мультимедиа, виртуал укув курси ва шу кабилар) асосида утиладиган дарс.

Ким ошди савдоси дарси — укув фани айрим булимлари буйича билимларни хар бир укувчи канчалик куп билишини намойиш этиш дарси.

Ярмарка дарси — дарс мавзусини булаклар буйича олдиндан узлаштирган укувчиларнинг узаро мулоқот асосида синфга кизикарли тушунтириш оркали утиладиган дарс.

Формулалар дарси — укувчиларнинг фор-мулаларни пухта узлаштиришлари буйича турли уйинлар шаклидаги машклар утказиш дарси.

«Суд» дарси — укувчилар билан дарс мавзусига мос «суд» жараёнини ташкил этиш оркали янги мавзунини тушунтириш дарси.

Концерт дарси — дарс мавзусини сах-налаштирган холдаги концерт шаклида ифо-далаш машклари булиб, укувчиларни фаол-лаштириш ва билиминини мустахкамлаш имко-ниятини беради.

«Терговни билимдонлар олиб боради» дарси — дарс мавзусини олдиндан пухта урганган укувчилар ёрдамида кизикарли савол-жавоблар, кичик гурухларда ишлаш асосида келтирилган маълумотларни исбот-лаб, тушунтириш машклари булиб, бунда укувчилар дарс мавзусини узлаштириб, эслаб қолишлари учун қулайлик яратилади.

Интеграл (интеграциялашган) дарс — бир нечта фанларга доир ва интеграциялаш учун қулай булган мавзулар буйича ташкил қилинган дарс булиб, укувчиларнинг турли фанларга кизикишларини орттириб, таълим жараёнидаги фаолликларини таъминлайди.

Бундай дарслар укувчиларга фанлараро боҒликликни ургатиш оркали уларда олам тузилишининг илмий асосларини тулик идрок этиш, илмий дунёкарашларини шакллантириш, ижодий тафаккурларини ривожлантиришга хизмат килади.

«Муъжизалар майдони» дарси — укувчилар билан утказиладиган кизикарли уйин булиб, турли саволларга белгиланган вақт давомида туҒри жавоблар топиш ва Ғолиб-ларни раҒбатлантириш оркали укувчиларда  
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2018, 6 V\_/  
фикрлаш, топкирлик, зийраклик ва билимла-рини кенгайтириб бориш сифатларини шакл-лантиради<sup>1</sup>.

БошланҒич синф укувчиларини уқитиш жараёнида дидактик уйинларни амалда куллаш шарт-шароитларини куйидагича бел-гилашимиз мумкин:

- дидактик уйинларни танлашда иштирок-чиларнинг ёши, билими ва тарбияланганлик даражаси хисобга олинади;
- ҳар бир дидактик уйин машҒулотларига узига хос хавфсизлик талаблари куйилади. Бу хавфсизлик талабларига тулик риоя қилиниши ҳар бир ташкилотчининг доимий эътиборида булиши лозим. Бундан ташқари, уқитувчилар бир дидактик уйин учун сарфланадиган вақт миқдорини туҒри белгилаши ва унга риоя қилишнинг узига хос асосларини билиши ва дарснинг мақсадига мувофиқ куллаши талаб қилинади.

Дидактик уйин турларини танлаш мезон-лари куйидагича:

- иштирокчилар таркиби буйича - уҒил болалар, киз болалар, усмирлар, катта ёшда-гилар учун уйинлар;
- иштирокчилар сони буйича - яққа, жуфт-ликда, кичик гуруҳ,, катта гуруҳ, синф жамоаси, рақобатдош жамоалар, синфлараро ва омма-вий уйинлар;
- уйин жараёни буйича - фикрлаш, уйлаш, топаҒонлик, ҳаракатлар, мусобақа ва бош-қаларга йуналтирилган уйинлар;
- вақт меъёри буйича - дарс, машҒулот вақтининг режа буйича ажратилган қисми, уйин мақсадига эришгунча, Ғолиб ёки Ғолиб-лар аниқланмагунча давом этадиган ва бошқа уйинлар<sup>2</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, уқитувчи дарс жараёнида дидактик уйинлардан фойдаланар экан. Бунинг учун албатта уйин мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб энг зарур восита-ларни танлай билиши керак. Чунки зарурий

1 Йулдошев Ж<sup>^</sup>., Усмонов С.А. Замонавий педаго-гик технологияларни амалиётга жорий қилиш. - Т.: «Ўзбекистон», 2008. -84-б.

2 ҒафҒорова Т., Нуруллаева Ш., Хайдарова О. Бошлан-Ғич синфлар учун она тили ва уқишдан дидактик мате-риаллар. - Т.: «Тафаккур», 2004. -74-б.

воситалар дидактик уйин самарадорлигини таъминлайди.

Уқитувчилар дидактик уйинларни ташкил-лаштиришда улар учун ишлатиладиган ҳар бир материал билан ишлаш, улардан тегишли дидактик воситаларни тайёрлаш ҳамда хавф-сизликни таъминлаш технологияларини

пухта билишлари ва риоя килишлари лозим. Чунки дидактик воситаларнинг сифати, кузда тутилган мақсадларга мослиги, қулайлиги ва улардан туғри фойдаланиш маъқулотлар самарадорлигини оширишга ижобий таъсир курсатади.

Юқорида келтирилган дидактик уйин дарс-ларини уқитиш жараёнини қуллашда бош-ланғич синф уқитувчиларидан юксак маҳорат ва ташкилотчилик қобилияти талаб қилинади. Шунингдек, уқитувчи уйинли уқитиш технологияларидан фойдаланиб маъқулотларни ташкил этганда, қуйидаги асосий вазифаларни қатъий белгилаб олиши лозим.

Дидактик уйинда уқувчи қоидаларга риоя қилишга урганади. Чунки қоидаларга риоя қилиш уйин муваффақиятини таъминлайди. Уйинда қатнашиш жараёнида ижодий-хулқий сифатлар, ташкилотчилик қобилияти шаклланади.

Фойдаланилган материал турларига қараб дидактик уйинларни ўқ турга ажратиш мумкин:

- предметли уйинлар;
- стол ўстида ўйналадиган уйинлар;
- сузлар воситасида ўйналадиган оғзаки уйинлар.

Предметли уйинлар - халқ дидактик уйин-чоқлари, турли табиий мозаика материаллари ёрдамида ўйналадиган уйинлар. Булар ёрдамида уқитувчи уйин турларини белгилайди. Масалан: табиий материаллар булақларидан бутунни ҳосил қилиш.

Стол ўстида ўйналадиган уйинлар - атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларнинг кен-гайиши, уқувчиларни билимга қизиқтириш, тафаккур жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилади. Стол ўстида ўйналадиган уйинларнинг бир нечта тури мавжуд: ўхшаш суратлар, лото, домино, кесма суратлар, тахлама кубиклар.

#### ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2018, 6

Сузлар воситасида ўйналадиган оғзаки уйинлар гуруҳига халқ уйинлари - «Занжир», «Нотуғри жумла», «Булиши мумкин эмас», «Тез айтиш», «Топишмоқлар», «Айтишувлар» ва шу қабил оғзаки нутқ билан боғлиқ уйинлар қиради. Бундай уйинлар диққат, хотирани ривожлантиради, уқувчиларни фикрни туп-лаш, тез фикрлаш, боғланишли нутқ, мантикий фикрлашга ургатади.

Дидактик уйинда бола яхши хулқий сифатларга эга бўлади. Дидактик уйинлар бир неча босқичга бўлинади. Ҳар бир босқичда боланинг маълум бир имкониятлари намоён бўлади. Тарбиячининг бу босқичлар характерини билиши дидактик уйинларнинг самарадорлигини аниқлашда қатта аҳамиятга эга.

Биринчи босқичда болада ўйнаш иштиёқи баланд бўлади ва уйинда фаоллик курсата бошлайди. Шу босқичда болани ўйинга қизиқтириш

максадида топишмоқлар, тез айтишлар, айтишувлар ёки сухбатлар ташкил қилиш мумкин.

Иккинчи босқичда бола уйин топширик-ларни бажариш, қоидага риоя қилишга урга-нади ва уйинда қатнашишга қиришади. Бу босқичда болаларда туғрисузлик, мақсадга эришишга астойдил қиришиш, иродавийлик, уйинда ютқизиш аламини енга билиш, уз муваффақиятидангина эмас, уртоқлари муваффақиятидан ҳам қувона билиш каби ижобий сифатлар шаклланади.

Уйиннинг учинчи босқичида бола уйин қоидаларини яхши билади. У энди уйинга ижодий ёндашади, узи янгиликлар қиритади, мустақил тарзда ижодий изланади. Уйинда қатнашиш жараёнида у тез жавоб топиш, яши-риш, излаш, югуриш, тасвирлаш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаради.

Уйиннинг ҳар бир босқичи маълум бир педагогик вазифаларни уз ичига олади. Уйиннинг биринчи босқичида педагог бола-ларни уйинга қизиқтиради, уларда хушқай-фият, янги уйинларни қутишга иштиёқ уйғотади. Иккинчи босқичда эса у уйинни қуза-тувчи эмас, балки қатнашчиси сифатида фаолият қурсатади, уйин давомида болаларга тез да ёрдамга қелади, болаларнинг фаолиятига туғри баҳо беради. Уйиннинг учинчи

босқичида уқитувчи болаларнинг уйин даво-мидаги ижодқорлиги ва фаоллигига баҳо беради.

Дидактик уйинлар уқувчиларда мустақил фикрлашни тарбиялашнинг энг туғри ва сама-рали методидир. У маълум бир материаллар ёки шарт-шароитларни талаб этмайди, балки уқитувчидан уйинни ташкил этиш соҳасидаги билим ва малакаларни талаб этади. Уйиннинг маълум бир тизим ва методик асосда ташкил этилиши уқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялашда муҳим урин тутади. Уйин машғулотлари таълим жараёнида уқувчиларнинг эгалланган билим, қуникма ва малакаларига таянади ва шундагина уқувчилар уйиннинг самарали ечимларини топа билади-лар, узлари ва атрофдагиларга талабчанлик намоён қиладилар.

Уйиндан таълим шакли сифатида фойдаланиш уқитувчидан узига ишонч ва уйинни қуллашда моҳирлик талаб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, узлук-сиз таълим жараёнининг барча босқичларида, айниқса, бошланғич таълим жараёни самарадорлигини оширишда дидактик уйин дарсла-ридан мақсадли фойдаланиш уқувчиларнинг уқишга булган қизиқиши, билимларни узлаш-тириши, ҳамқорликдаги фаолият динамикаси-нинг ошишида ижобий натижаларга эри-шишни таъминлайди. Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш бугунги кун талаби. Айниқса бош-ланғич синфда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш таълим самарадорлигини таъминлайди. Ушбу мақолада бошланғич таълимда замонавий технологияларни қуллаш йуллари ва усул-лари баён этилган булиб, у бошланғич таълим фани уқитувчилари фаолиятига амалий ёрдам беради ҳамда

булажак бошланҗич синф уқи-тувчиларини таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, укувчиларда уқиш мотивларини устириш, таълим-нинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш йуллари ва усуллари билан таништи-ради.

### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Олимов К.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини уқитиш методикаси. Укув кулланма. - Т.: «Фан», 2009.
2. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. - Т.: «Фан ва технология», 2006. -162-б.
3. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокинни уқитиш методикаси. - Т.: УМКХТТКМО ва УҚ.ТИ, 2007.
4. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. ИлФОР педагогик технологиялар. - Т.: «Абу Али Ибн Сино», 2001.
5. Ходжиев М.Т., Олимов К.Т. Электрон дарсликларни яратиш технологияси ва сифа-тини баҳолаш методикаси. - Т.: «Фан», 2005.
6. Йулдошев Ж.Г, Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. - Т.: «Ўзбекистон», 2008.
7. Фофорова Т. Бошланҗич таълимда замонавий педагогик технологиялар. - Т.: «Тафаккур», 2011.